SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

XDP XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI O'ZBEKISTON

# O'ZBEKISTON OVOZI

● 2018-yil, 30-yanvar. Seshanba ● 9 (32.377) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

# ХАЛҚИМИЗНИ ҚУВОНТИРГАН, ҒУРУРЛАНТИРГАН ҒАЛАБА!

## ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛИБ ЎТГАН ФУТБОЛ БЎЙИЧА 23 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЁШЛАР ЎРТАСИДА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ҒОЛИБЛАРИ — ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИГА

Азиз фарзандларим!

Қадрли устоз ва мураббийлар!

Барчангизни футбол бўйича ёшлар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионатининг финал ўйинида ғоят оғир ва ноқулай об-ҳаво шароитида том маънода матонат ва жасорат намунасини намоён этиб, ғолибликни қўлга киритганингиз билан ўз номимдан, кўп миллатли халқимиз номидан самимий муборакбод этаман.

Сизлар қўлга киритган мислсиз бу ғалаба бутун халқимизга чексиз қувонч бағишлаб, Ўзбекистон ёшларининг қандай буюк ишларга қодир эканини яна бир бор кўрсатди. Бу улкан зафар, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиздаги миллионлаб ёшларни мардлик ва матонат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга улкан ҳисса қўшади.

Эл-юртимиз сизлар каби мард ва жасур, фидойи ўғлонлари билан, юртимизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари билан фахрланади.

Барчангизни бағримга босиб, сизларга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, жонажон Ўзбекистонимизнинг шон-шуҳратини дунёга тараннум этишда доимо ютуқ ва зафарлар ёр бўлишини тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

**Жаноби Олийлари,**
**Муҳтарам Президент!**

Сизга ва Ўзбекистон халқига футбол бўйича 23 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида Хитойда ўтказилган Осиё чемпионатида мамлакатингиз терма жамоаси ғолиб бўлгани муносабати билан ўзимнинг самимий табрикларим ва энг яхши тилакларимни изҳор этиш мен учун катта шарафдир.

23 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида Марказий Осиё минтақасидан биринчи бўлиб Осиё чемпионати ғолиблигига эришган мамлакатингиз жамоаси аъзоларининг бутун мусобақа давомида матонат ва жасорат намуналарини кўрсатгани мақтовга лойиқдир.

Мен ишонаманки, ушбу футболчилар яқин келажакда Ўзбекистон футболини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди ва мамлакатингиз ҳамда бутун Осиёнинг ғурур-ифтихорига айланади.

Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари билан ўзбек футболи янада юксак поғоналарни забт этишига шубҳа қилмайман.

Сизни ишонтириб айтаманки, мафтункор мамлакатингизда футболни янада ривожлантириш ва тарғиб қилишни тўла қўллаб-қувватлашга тайёрман.

Самимий тилаклар билан,

**Салмон бин Иброҳим ал-ХАЛИФА,**
**ОФК президенти,**
**ФИФА вице-президенти**



*2018 йил 27 январь, Хитой Халқ Республикаси. Ўзбекистон футболи тарихида янги саҳифа очилди. Ёшлар терма жамоамиз Осиёдаги 54 мамлакат ичида тенгсиз эканлигини намоён этди. Осиё чемпиони деган юксак унвонга, эътирофга сазовор бўлди. Бу юксак ғалаба мамлакатимизда спортни, хусусан, футболни ривожлантириш бўйича қилинаётган улкан ишларнинг бир натижаси, албатта. Биз бутун халқимизни ушбу улкан ғалаба билан табриклаймиз!*

4




**Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасида Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан халқимизнинг буюк фарзанди хотирасига бағишланган «Бутун оламни жо қилган юрак» деб номланган кўргазма иш бошлади.**

## БУТУН ОЛАМНИ ЖО ҚИЛГАН ЮРАК



Кўргазманинг очилишига бағишланган маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Биринчи Президентимизнинг рафиқаси Т.Каримова, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси раҳбари Т.Ширинов ва бошқалар мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримов Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас из қолдирганини таъкидлаб, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан халқимиз қаҳрамонининг ёрқин хотирасини абадийлаштириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 27 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги ва 2017 йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарорлари бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Маросим иштирокчилари Ислом Каримов ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бадиий кўргазма экспонатлари билан танишди. Кўргазма 2 залга бўлинган. Биринчи залда рассомларнинг 57, ҳайкалтарошларнинг 3 асари намойиш этилмоқда. Иккинчи залдан фоторассомларнинг 80 ижодий иши ўрин олган.

Қизил лолалар фонида тасвирланган Ислом Каримовнинг теран нигоҳи... Биринчи Президентимиз дала гулларини, айниқса, лола ва қизғалдоқларни ёқтирарди. Бу табиий гўзаллик унга ҳамиша куч бағишлаган. Суратлардан бирида Ислом Каримовнинг Қашқадарё вилоятидаги тоғли Ғилон қишлоғи оқсоқоллари билан суҳбати акс этган.

Таниқли рассом Баҳодир Жалоловнинг туркум асарлари ҳам ғоят таъсирчан. Йўлбарс жасурлик, куч ва иқтидор, буюклик ва қудрат тимсоли. Икки қудрат фалсафаси тасвирланган бадиий композицияни Ислом Каримов вафотидан сал олдин кўрган ва қаттиқ таъсирланган. Муҳим ишлар билан бандлиги сабаб таассуротларини ифода этишни кейинроққа қолдирганди...

— Кўргазма экспонатлари билан танишиш асносида Биринчи Президентимизнинг янги қирраларини кашф этиш мумкин. Бу ердаги ҳар бир асар тарихга дахлдор, — дейди санъатшунослик фанлари доктори, академик Акбар Ҳакимов. — Шу боис бу кўргазма халқимиз томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинишига ишончимиз комил.

Шу куни Ислом Каримов ҳайкали пойи гулларга бурканди. Кенг жамоатчилик вакиллари Биринчи Президентимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов сўзга чиқди.

**Улуғбек АСРОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## «ИСЛОМ КАРИМОВ — ИСТИҚЛОЛ АСОСЧИСИ ВА БУНЁДКОРИ»

Айни кунларда республикамиз бўйлаб Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллиги кенг нишонланмоқда. Барча ташкилотлар маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, хотира кечалари ўтказмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан ташкил этилди. «Ислом Каримов — истиқлол меъмори» мавзусидаги маънавий-маърифий анжуманда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар кенгаши фаоллари ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар, туман Кенгашлари депутатлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Тадбир аввалида иштирокчилар Биринчи Президентимиз номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуада қад ростлаган Ислом Каримов ҳайкали пойига гуллар қўйиб, халқимизнинг фидойи фарзанди хотирасига ҳурмат бажо келтиришди.

Шундан сўнг Тошкент шаҳридаги Халқаро савдо марказида анжуман бўлиб ўтди.

► Давоми 3-бетда.

## ҚАШҚАДАРЁ: АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ИСЛОҲОТЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 28 январь куни Қашқадарё вилоятига келди.**

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида Қашқадарё вилоятининг ўрни катта. Вилоятда 50 йирик саноат корхонаси, 57 қўшма корхона, 14 минг 960 дан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти, 20 минг 333 фермер, 19 минг 917 деҳқон хўжаликлари фаолият юритмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 24-25 февраль кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида кўплаб истиқболли лойиҳалар билан танишиб, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан зарур топшириқлар берган эди. Ўтган бир йилга яқин вақт мобайнида вилоятда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги қувватларни ишга туширишни кўзда тутувчи кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилди.

Вилоятда 2017 йил ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 17 триллион 366 миллиард сўмни ташкил этди. Бандлик дастури доирасида 70 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. 2 минг 711, жумладан, саноатда 776, хизмат кўрсатишда 1 минг 115 ва қишлоқ хўжалиги йўналишида 820 та лойиҳа амалга оширилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев вилоятга ташрифини Яккабоғ туманидаги мева-сабзавотни қайта ишлаш ва қадоқлашга ихтисослашган «Дармон шарбати» корхонаси фаолияти билан танишишдан бошлади.

Қашқадарё заминида етиштирилган, қуёш нурига тўйинган, унумдор ва баҳаво ҳудудларда пишиб етилган сархил неъматлар ғоят мазали ва фойдали дармондориларга бой бўлади. Шу боис бундай маҳсулотлар юртимизда ҳам, хорижда ҳам бирдек харидоргир.

«Дармон шарбати» корхонаси 2017 йил август ойида ишга туширилган. Бу ерда кунига 12 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Замонавий, энергиятежамкор ускуналар бир кеча-кундузда 20 тоннагача мева-сабзавотни қайта ишлаш қувватига эга. Асосан олма, ошқовоқ ва сабзи шарбати тайёрланмоқда. Келгусида узум, анор ва бошқа қатор сабзавот маҳсулотларини ҳам қайта ишлаб, шарбат тайёрлаш кўзда тутилган.

Президентимиз корхонадаги иш жараёни билан танишди. Бу ерда жорий қилинган замонавий технологиялар самарали иш жараёни ва юқори сифатли маҳсулот тайёрлашни таъминламоқда. Мева-сабзавотларнинг табиий хусусиятлари сақлаб қолинган тайёр маҳсулот 1,5 ва 3 литрли махсус идишлар — аксептик пакетларга қадоқланади. Корхона ишчилари касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлардир.

Корхонанинг табиий шарбатлари чет эллик харидорларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Яқинда россиялик ҳамкорлар билан экспорт келишувларига эришилди.

Давлатимиз раҳбари вилоятда бу каби корхоналарни кўпроқ ташкил этиш, замонавий технологияларни ўзлаштирган ёшларни тарбиялаш лозимлигини таъкидлади. Бунинг учун Қашқадарёда имкониятлар ҳам, ишчи кучи ҳам етарли.

► Давоми 2-бетда.

**Вилоятда ичимлик суви таъминотини яхшилаш лойиҳасида ичимлик суви олиш иншоотлари қуриш, 77 километр магистрал, 162 километр ички тармоқ тортиш, 16 та сув тақсимлаш иншооти қуриш режалаштирилган.**

# ҚАШҚАДАРЁ: АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ИСЛОҲОТЛАР

Шу ернинг ўзида Қашқадарё вилоятида 2018-2019 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт ҳажмини ошириш лойиҳалари тақдимоти бўлиб ўтди.

Китоб туманидаги «East Agro International» МЧЖ томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилиш лойиҳаси доирасида йилига 8 миллион шартли банка сабзавот консервалари ва жемлар ишлаб чиқариш режалаштирилган. Корхонани 2018 йилнинг учинчи чорагида ишга тушириш мўлжалланмоқда. Корхона тўлиқ қувват билан иш бошлагач, 60 янги иш ўрни яратилади.

«Дармон шарбати» корхонаси томонидан мева-сабзавотни қайта ишлаш ва болалар таомлари ишлаб чиқариш, «Шарофат она Қаҳрамон қизи» агрофирмаси томонидан музлаткич омборхонаси қуриш лойиҳалари ҳам тақдим этилди.

Кейинги манзил Шаҳрисабз шаҳри бўлди. Давлатимиз раҳбари дастлаб «Дор ут-тиловат» мажмуасини зиёрат қилди. Таомилга биноан ўтганлар хотираси ёд этилиб, Қуръон тиловат қилинди.

«Дор ут-тиловат» мажмуаси Кўк гумбаз масжиди, Шайх Шамсиддин Кулол, Гумбази Саййидон мақбаралари ва ҳужралардан иборат бўлиб, улар асосан XIV аср охири XV асрнинг биринчи ярмида бунёд этилган. «Дор ут-тиловат» сўзи «Қуръон ўқиладиган ёки тиловат қилинадиган жой» маъносини англатади.

Кўк гумбаз масжиди буюк олим ва давлат арбоби Муҳаммад Тарағай Улуғбек томонидан 1434-1435 йилларда қурилган. Мирзо Улуғбек масжидни отаси Шоҳрух номидан бобоси Амир Темур шарафига бунёд эттирган. Кириш пештоқи равоғида уларнинг номлари ва қурилиш санаси битилган.

Шайх Шамсиддин Кулол мақбараси XIV аср охирида барпо этилган. Шайх Шамсиддин Кулол ал Фохурий Амир Темур ҳамда унинг отаси Тарағай Баҳодирнинг устози ва пиридир. У 1370 йилда вафот этган. Амир Темур устози қабри устига мақбара қурдирган.

Гумбази Саййидон мақбараси 1437 йилда Мирзо Улуғбек фармони билан қурилган. Мақбара ичида XV-XVII асрларга оид бир нечта қабр тошлари бор. Бу қабр тошлари термизлик саййидларга тегишли. Маълумки, саййидлар Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) авлодидан бўлиб, улуғ зотлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мақбаранинг номи Гумбази Саййидон, яъни Саййидлар гумбази деб ном олган.

Давлатимиз раҳбарининг диний уламолар, меҳнат фахрийлари билан мулоқотида халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳақида сўз юритилди.

Қашқадарё вилоятини ривожлантириш бўйича жуда катта режаларимиз бор, деди Шавкат Мирзиёев. Кўпгина муаммолар йиғилиб қолган. Уларни ечиш учун ҳаммамиз бир бўлиб ишлашимиз керак.

Амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари натижасида Шаҳрисабз қиёфаси тубдан ўзгарди. Шаҳарнинг тарихий обидалари қайта таъмирланди. Сайёҳлик инфратузилмаси ривожланиб, хизмат кўрсатиш даражаси халқаро стандартлар даражасига етказилмоқда.

Президентимиз 2017 йил август ойида пойтахтимиздаги Қатағон қурбонлари хотираси музейига ташрифи чоғида бир қанча масалалар қаторида Шаҳрисабз шаҳрида мақом кечаларини ташкил қилиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Айни вақтда миллий ўзлигимизни англаш, маданиятимизни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимиз, аввало, ёш авлодни юксак инсоний туйғулар руҳида тарбиялаш, унинг эстетик диди ва тафаккурини юксалтиришда мақом санъатининг кенг имкониятларидан фойдаланиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 17 ноябрдаги «Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, ижросига киришилди.

Мазкур қарорга кўра, 2018 йилдан бошлаб Шаҳрисабз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш режалаштирилган.

Президентимиз Шаҳрисабз шаҳрига ташрифи давомида Оқсарой майдонида мазкур анжуманни ўтказиш учун зарур маданий инфратузилма иншоотларини барпо этиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишди. Халқаро мақом санъати анжуманининг илмий-ижодий концепцияси ҳақида маълумот берилди.

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Оқсарой майдонининг тарихий қисмида мақом санъатига бағишланган музей ва марказ ташкил этиш кўзда тутилган. Шунингдек, шаҳар маданият саройини капитал таъмирлаш, Оқсарой майдонидаги Мақом маркази ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолиятини такомиллаштириш тадбирлари белгиланган.

Машҳур санъаткоримиз Юнус Ражабийдан кейин, афсуски, ҳеч ким мақом санъатини ривожлантириш билан жиддий шуғулланмади. Мақом санъати усталари жуда кам қолган. Уларни қўллаб-қувватлашимиз керак, деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев шу ерда мақом санъати усталари билан учрашиб, мақом санъати истиқболлари, халқаро мақом санъати анжуманини юксак савияда ўтказиш ҳақида суҳбатлашди.

Ташрифи доирасида Президентимиз Оқсарой майдонидаги «Коба» маданият мажмуасида вилоят иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган лойиҳалар билан танишди.

Лойиҳалар иқтисодий жиҳатдан ранг-баранг бўлиб, барчаси аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган.

Дастлаб Қашқадарё вилоятида 2018-2019 йилларда туризм инфратузилмаси объектларини барпо этиш режаси тақдим қилинди. Режага кўра, 167 лойиҳа амалга оширилади. Хусусан, замонавий меҳмонхоналар барпо этиш, транспорт хизматлари кўрсатиш, дам олиш ва кўнгилочар ҳудудлар ташкил этиш, тарихий-маданий обидаларни таъмирлаш кўзда тутилган. «Ўзбектуризм» давлат қўмитаси томонидан тақдим этилаётган лойиҳалардан яна бири эко ва этнотуризмни ривожлантириш, Амир Темур туғилган манзилни туризм масканига айлантиришга қаратилган.

Давлатимиз раҳбари бугун дунёда кўплаб давлатлар бу соҳани ўзлаштириб, катта даромад олаётганини таъкидлар экан, юртимизда мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш бўйича топшириқлар берди.

Яна бир муҳим ташаббус Қашқадарё вилояти кўп қаватли уй-жой фондини таъмирлаш дастурини амалга ошириш ҳамда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган. Вилоятда жами 1 минг 656 та кўп қаватли уй-жой бўлиб, уларга 151 хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатади. Маълумотларга кўра, ўтган йили 346 та кўп қаватли уй-жой таъмирланган. Тижорат банклари томонидан 13 миллиард сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилган. Жорий йилги дастурда 48,1 миллиард сўм жалб этиш кўзда тутилган.

Қашқадарё вилояти бўйича асосий иқтисодий кўрсаткичлар ва солиқ тўловчилар сони, йирик корхоналар томонидан бюджетга тўланадиган тўловлар, жорий йилги прогноз кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотлар навбатдаги тақдимотда намойиш этилди.

Шавкат Мирзиёевга жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектлари ва ер майдонларини ҳисобга олиш ва солиқ ундириш ҳисобидан бюджетга тушумлар, туман ва шаҳар солиқ инспекцияларининг намунавий тузилмалари тўғрисидаги лойиҳаларни соҳа раҳбарлари тақдим қилди.

Вилоятда ичимлик суви таъминотини яхшилаш лойиҳасида ичимлик суви олиш иншоотлари қуриш, 77 километр магистрал, 162 километр ички тармоқ тортиш, 16 та сув тақсимлаш иншооти қуриш режалаштирилган. Тошгузар – Шаҳрисабз – Китоб темир йўлини модернизация қилиш ва электрлаштиришни назарда тутувчи лойиҳа Шаҳрисабз шаҳригача тезюрар поезд қатновини йўлга қўйишни кўзда тутади.

Бугунги кунда вилоят аҳолиси тоза ичимлик суви билан тўла таъминланмагани ачинарлидир, деди Президентимиз. Бу долзарб масалани қисқа вақтда ҳал қилиш учун бор имкониятимизни ишга солишимиз лозим.

Шаҳрисабз шаҳри ва туманида меҳнат бозорини барқарорлаштириш бўйича «йўл харитаси»га алоҳида эътибор қаратилди. Лойиҳадан вақтинча ишсизлар ҳақида маълумот, касбга ўқитиш марказларини ташкил этиш, касбларга бўлган талаб каби маълумотлар ўрин олган.

Президентимиз вақтинча иш билан банд бўлмаган фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бугунги куннинг муҳим масаласи эканини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари қайси вилоятга ташриф буюрмасин, албатта, ёшлар, уларнинг тарбияси масаласига алоҳида эътибор қаратади. Халқимиз – болажон. Фарзандлари ўзидан ўзишини, ҳар томонлама ривожланган, баркамол бўлиб улғайишини ният қилиб яшайди. Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга давлат муассасалари билан бирга, нодавлат боғчалар ҳам кенг жалб этилаётгани замирида ана шу эзгу орзу-умидлар мужассам.

Президентимиз Шаҳрисабз шаҳрида давлат шериклиги асосида ташкил этилган «Вундеркинд» (Билимдон бола) номли хусусий мактабгача таълим муассасаси фаолияти билан танишиш асносида асосий эътиборни айни шу масалага қаратди.

Инглиз тили ва компьютер билимларини чуқур ўргатишга ихтисослашган мазкур нодавлат боғчада мактабгача таълимда бола шахсини ривожлантиришга қўйиладиган давлат талабларининг асосий йўналишлари қамраб олинган. Ҳар бир қаватдан кичкинтойларнинг интеллектуал, эстетик ва жисмоний салоҳиятини ўстириш учун унумли фойдаланилган.

Биринчи қаватда мусиқа ва рақс, спорт заллари, шахмат-шашка хонаси, мўъжаз қўғирчоқ театри жойлашган. Иккинчи қаватда ошхона, тиббиёт хоналари мавжуд. Учинчи қаватда мактабга тайёрлов гуруҳи ва кичик ёшдаги гуруҳлар учун машғулот хоналари, 2 та ётоқхона ўрин олган. Ҳовлидаги ўйин майдончасида турли аттракционлар ўрнатилган.

Президентимиз муассасада яратилган шароитни юксак баҳолади. Мазкур боғча мисолида Шаҳрисабз шаҳрида яна 25 та нодавлат мактабгача таълим муассасаси ташкил этиш, боғча мудираси, Зулфия номидаги Давлат мукофот совриндори Шаҳноза Холмаҳматовага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган енгил автомобиль совға қилиш бўйича топшириқ берди.

Шавкат Мирзиёев шу ерда Қашқадарё вилоятида хусусий шериклик асосида ҳамда давлат томонидан қуриладиган мактабгача таълим муассасалари дастури тақдимоти билан танишди.

Шу куни Президентимиз раислигида Чироқчи тумани ҳокимлиги биносида Қашқадарё вилояти фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили вилоятда бажарилган ишларни таҳлил қилиб, жорий йил ва яқин истиқболда амалга оширилиши зарур бўлган долзарб чора-тадбирларни белгилаб берди. Видеоалоқа орқали барча туманлар фаоллари билан ҳам мулоқот қилинди.

29 январь куни давлатимиз раҳбари Қарши туманидаги Абу Муин Насафий зиёратгоҳида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 24-25 февраль кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида Абу Муин Насафий мақбарасини обод зиёратгоҳга айлантириш, зиёратчиларга зарур шароитлар яратиш, бу масканда кутубхона ташкил этиш, буюк олим асарларини халқимизга етказиш бўйича тавсиялар берган эди.

Айни пайтда мазкур зиёратгоҳда кенг кўламли таъмирлаш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Абу Муин Насафий калом илмининг буюк намояндаларидан бири бўлиб, Абу Мансур Мотуридий асос солган мотуридия таълимотининг дунёда кенг тарқалишига салмоқли ҳисса қўшган алломалардандир.

У киши илму урфонда етук, зиёли бир оилада улғайган. Аждодларидан аксарияти, айниқса, фиқҳ илми соҳасидаги улкан салоҳиятлари билан халқ орасида обрў қозонган. Абу Муин Насафийнинг катта бобоси Макҳул Насафий Имом Мотуридийнинг шогирди бўлган. Бобоси Муътамид ибн Макҳул Насафий эса ҳанафий олимлар орасида машҳур эди. Абу Муин Насафий бошланғич илмни бобоси ва отасидан олади.

Араб олими Хайриддин аз-Зириклий «Ал-Аълом» асарида ва Умар Ризо Каҳҳола «Муъжам ал-муаллифийн» асарида Абу Муин Насафийнинг 1027 йил Насаф (ҳозирги Қарши) шаҳрида туғилганини зикр этган. Унинг вафоти ҳақида эса аксар манбаларда 1114 йил кўрсатилган.

Жаҳоннинг турли кутубхоналарида сақланадиган Абу Муин Насафий асарлари орасида «Табсират ал-адилла фи усул ад-дийн аъла тариқати Абу Мансур ал-Мотуридий», «Баҳрул-калом фи илм ул-калом» ва «Ат-тамҳид ли қоваъидит ут-тавҳид» китоблари жуда эътиборли ҳисобланади. Унинг «Табсират ал-адилла фи усул ад-дийн аъла тариқати Абу Мансур ал-Мотуридий» (Дин асосларини имом Абу Мансур Мотуридий тариқатига биноан далиллар билан шарҳлаш) асарида мотуридия таълимоти далиллар билан шарҳланади. Олимнинг «Баҳр ул-калом фи илм ул-калом» асари мотуридия мактабининг калом илми бўйича асосий манбаларидан биридир.

Давлатимиз раҳбари уламолар билан суҳбатда буюк бобокалонимиз асарлари бугунги кун учун ҳам ғоят аҳамиятли экани, уларни қайта нашр қилиб, мазмун-моҳиятини ёш авлодга етказиш зарурлигини таъкидлади.

Президентимиз зиёратгоҳда сақланаётган қадимий Қуръон нусхасини кўздан кечирди.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Қарши туманидаги «Бахт» кўп тармоқли фермер хўжалигига ташриф буюриб, вилоятда амалга оширилаётган иқтисодий лойиҳалар билан танишди.

2001 йилда ташкил этилган «Бахт» фермер хўжалиги 278 гектар ерда чорвачилик, паррандачилик, туячилик, йилқичилик, қуёнчилик билан шуғулланади. 4 гектарда интенсив боғ, 1 гектар майдонда иссиқхона ташкил этилган. Хўжаликда ўтган йили 55 тонна гўшт, 355 тонна сут, 64 минг дона тухум, парранда гўшти, балиқ етиштирилган. Гўшт ва сут шу ернинг ўзида қайта ишланиб, бозорга тайёр маҳсулот ҳолида етказиб берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари фермер хўжалигида қўшимча тармоқларни ишга тушириш ҳисобига янги иш ўринларини янада кўпайтириш бўйича тавсиялар берди.

Шу ерда вилоятда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, аччиқ қалампир, коврак плантациялари ташкил этиш, чорвачилик, куркачилик мажмуалари, пистазор ва ёнғоқзорлар барпо этиш, сутни қайта ишлаш, асаларичилик лойиҳалари тақдимоти ҳам ўтказилди.

Президентимиз ўрмон хўжаликларида интенсив усулда кўчат етиштириш ҳамда ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланишга оид лойиҳа билан танишар экан, Тошкент давлат аграр университети магистратурасини битириб, Шаҳрисабз туманида 4 сотих ерда 6 ойда 50 мингта 1 ёшли лимон кўчати етиштирган Акбар Саидовнинг инновацион ишланмасига алоҳида тўхталди.

Интенсив усулда, микроиқлим шароитида парваришланган бу кўчатлар одатдагига қараганда икки марта тезроқ ўсади.

Лимончилик нафақат Қашқадарё воҳаси, балки мамлакатимиз учун сердаромад соҳалардан. Бу тармоқни ривожлантириш иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш, қўшимча даромад манбаини яратишга хизмат қилади. Шу боис мазкур истиқболли йўналишни қўллаб-қувватлаш, Қашқадарё мисолида лимончилар уюшмасини ташкил этиш лозим, деди Шавкат Мирзиёев. Янги уюшманинг таъсисчиси «Агробанк» бўлади.

Қашқадарё вилоятида терини қайта ишлаш ва чарм-пойабзал кластерини барпо этиш, аҳолини тухум ва парранда гўшти билан таъминлаш, «Ғузор текстиль импекс» МЧЖ томонидан енгил саноат мажмуаси ташкил этиш, лалми ерларда доривор ўсимликлар етиштириш ҳамда Миришкор туманида калава ип ва трикотаж мато ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Хонобод ҳарбий аэродромида бўлди. Учувчилар билан суҳбатда мамлакатимизнинг янги Мудофаа доктринаси мазмун-моҳияти, Ватан ҳимоячиларининг бурч ва масъулияти ҳақида сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қалбларни ғурурга тўлдирувчи, юракларни ҳаяжонга солувчи мамлакатнинг бош қўшиғидир. Уни ҳар сафар тинглаганимизда кўнглимизни шу юртнинг фарзанди эканимиздан ифтихор туйғулари қамраб олади.

Шу ҳаяжонни ўзининг истеъдоди билан дилларга сингдирган, она Ватанга муҳаббатнинг сўзлар орқали ифодасини топган Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шеърлари кириб бормаган хонадон йўқ.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил февраль ойида Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида Қарши шаҳрида Абдулла Орипов ҳайкалини яратиш лойиҳаси билан танишар экан, лойиҳани такомиллаштириш, бу ерда Абдулла Орипов номидаги мактаб ва унинг ижодига бағишланган музей ташкил этиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Орадан қарийб бир йил ўтди. 29 январь куни давлатимиз раҳбари мазкур лойиҳа ижроси билан танишди.

Такомиллаштирилган лойиҳа асосида бу ерда Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернати барпо этилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 майдаги «Қарши шаҳрида Абдулла Орипов номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида бунёд этилган илм даргоҳи олдида қаҳрамон шоиримизнинг ҳайкали қад ростлади. Ҳайкал орқасидаги деворга шоирнинг шеърларидан намуналар битилди.

Мактабнинг биринчи қаватида Абдулла Орипов музейи ташкил этилди. Музейга шоирнинг буюмлари, унга қилинган турли совғалар жойлаштирилди.

Мактаб 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, 50 ўринли ётоқхона, 50 ўринли ошхона, 200 ўринли фаоллар залига эга. Мактабга ўқувчилар 5-синфдан танлов асосида қабул қилинади.

Шавкат Мирзиёев мактаб фаолияти билан танишди. Музей, ўқув хоналарида бўлди, мактаб ўқувчилари билан суҳбатлашди.

Мактаб ўқувчилари Ибройим Юсупов, Муҳаммад Юсуф, Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги мактаблар ўқувчилари билан онлайн боғланиб, мушоира ўтказди. Абдулла Орипов шеърлари ва ўзлари ёзган шеърлардан намуналар ўқиб берди.

Давлатимиз раҳбари уларга Абдулла Ориповдек буюк шоир номига муносиб бўлиш, ўз истеъдодлари билан жаҳонга машҳур инсонлар бўлиб етишиш тилакларини билдирди. Бир гуруҳ ўқувчиларга совғалар топширди.

Қашқадарё вилоятида тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, жараёнга хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш, маҳсулотларни экспортга йўналтириш бўйича тизимли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017 йил Қарши туманида «LT Textile International» хорижий корхонаси, Қарши шаҳрида «Sulton Tex Group» хусусий корхонаси ва бошқа ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди.

Давлатимиз раҳбари Қарши тумани «Қоратепа» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Файзобод қишлоғида жойлашган «LT Textile International» хорижий корхонасида бўлди.

Президентимиз ўтган йил февраль ойида Қашқадарё вилоятига ташрифи доирасида ушбу корхонада амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишган, қурувчиларга ўз маслаҳат ва тавсияларини берган эди.

Хитойлик инвесторлар маблағи эвазига бунёд этилган мазкур корхонанинг биринчи босқичи 2017 йил июль ойида фойдаланишга топширилди. Бу ерга Германия ва Швейцариядан замонавий ва энергиятежамкор тўқимачилик асбоб-ускуналари келтириб ўрнатилди. 700 дан ортиқ иш ўрни яратилди. 60 нафарга яқин ёшлар Хитойда касб маҳоратини ошириб қайтди.

Корхонада пахта толаси қайта ишланиб, йилига 22 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Маҳсулотнинг асосий қисмини экспортга йўналтириш кўзда тутилган. Ўтган даврда 4 минг 600 тоннадан зиёд пахта толаси қайта ишланиб, 3,5 минг тоннадан зиёд ип-калава экспорт қилинди.

Президентимиз ушбу корхона фаолияти билан танишди, ишчи-ходимлар билан мулоқот қилди. Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшадиган хорижлик инвесторларга барча шароит яратилиши айтилди.

Бизнинг асосий мақсадимиз экспорт фаолиятини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришдир, деди давлатимиз раҳбари.

Шу ерда Қашқадарё вилоятида тикув-трикотаж саноатини ривожлантириш дастури тақдим этилди. Хусусан, «LT Textile International» масъулияти чекланган жамиятини ривожлантиришнинг II ва III босқичлари доирасида амалга ошириладиган ишлар лойиҳаси ҳақида маълумот берилди. 2019 йил иккинчи чорагида лойиҳа фойдаланишга топширилгач, ип-калава ва аралаш ип-газлама ҳажми оширилади, 650 иш ўрни яратилади.

Қарши шаҳридаги «Sulton Tex Group» хусусий корхонасида енгил саноатни ривожлантириш бўйича режалаштирилган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА**

O'ZBEKISTON OVOZI
• 2018-yil, 30-yanvar. Seshanba
• 9 (32.377)-son







Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

# «ИСЛОМ КАРИМОВ — ИСТИҚЛОЛ АСОСЧИСИ ВА БУНЁДКОРИ»

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари Ҳотамжон Кетмонов** тадбирни очар экан, Ислом Каримов ўзининг Президент сифатидаги бутун ҳаёти ва фаолиятини юртимизда янги давлат, янги жамият барпо этиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон номини бутун дунёгаараннум этишдек улуғ мақсадга бағишлаганини таъкидлади. Зеро, мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган беқиёс ўзгаришлар, тарихий янгиланишлар Биринчи Президентимиз номи билан узвий боғлиқдир.

— Собиқ мустабид тузум даврида — миллий қадриятларимиз, муқаддас динимиз, азалий анъаналаримиз аёвсиз топталган ўша даврларда мустақиллик, урф-одатлар, диний қадриятларимиз ҳақида очиқ-ошкора гапириш — катта маънавий жасорат эди, — деди **партия раҳбари.** — Мустақиллигимиз асосчиси Ислом Каримов халқимизнинг тарихий орзу-умидларини рўёбга чиқарди.

Маълумки, мустақилликка эришган ҳар қандай давлат ўзининг парламентини шакллантиришга, шу орқали фуқароларнинг устувор ҳуқуқларини таъминлашга, халқнинг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратади. Бу демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим асосларидан бири ҳисобланади. Юртимизда парламент фаолиятини такомиллаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар тизимида икки палатали парламентга ўтиш билан боғлиқ ўзгаришлар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Икки палатали парламентни ташкил этиш ғояси, таклифи Биринчи Президентимиз томонидан илгари сурилди.

Хусусан, 2000 йил 25 май куни бўлиб ўтган Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида Ислом Каримов 2004 йилда бўлиб ўтадиган сайловларда парламентнинг икки палатали қилиб ташкил этилиши лозимлигини таъкидлаган эди. Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, юртимизни собиқ мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, уни замонавий асосда тараққий эттириш стратегиясини, бутун жаҳонда «ўзбек модели» деган ном билан тан олинган ривожланиш йўлини ишлаб чиққан, жаҳон миқёсида катта обрў-эътибор қозонган буюк давлат ва сиёсат арбоби сифатида Ватанимиз тарихида, халқимиз қалбида мангу қолади. У киши бошлаб берган эзгу ишларни Президентимиз Шавкат Мирзиёев юқори босқичларга олиб чиқиб, муносиб давом эттираётгани, албатта, барчамизни қувонтиради.



**Темир ШИРИНОВ,**
**Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси раҳбари, тарих фанлари доктори, профессор:**

— Ҳаммамиз ҳаяжонли кунлардамиз. Ўзбек миллатининг буюк фарзанди Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллиги юртимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. Биринчи Президентимиз тўғрисида гапириш бир томондан осондек туюлади, чунки у кишининг ҳаёти кўз ўнгимизда ўтди, ҳамма воқеаларга гувоҳмиз. Иккинчи томондан эса ниҳоятда оғир, чунки улуғ зот фаолияти жуда серқирра эди. Буни бир шахс, битта одам ёритиб бериши жуда қийин. Мажмуа тузилгандан бошлаб хотиралар йиға бошладик. Ўша даврнинг сиёсий масалаларини кўтариб чиқиб, тарихини тиклаш жуда оғир кечди.

Хабарингиз бор, Ислом Каримов ҳаёти, фаолиятини акс эттирувчи мақолалар танловини эълон қилгандик. Унга халқимизнинг қизиқиши ниҳоятда катта бўлди. Газета ва журналлар, интернет сайтларда эълон қилинган 870 дан ортиқ мақола келди. Айни пайтда комиссия аъзолари уларни кўриб чиқишни якунламоқда. Шу жараёнда мен ҳам мақолаларнинг кўпини ўқиб чиқдим. Улардан Ислом Каримов образини яна бир бор ўзимга кашф этдим.

У кишининг фазилатлари, жасорати ҳақида кўп гапириш мумкин. Ўша пайтларда мустақилликка эришиш осон эмас эди. 130 йил давомида қанча-қанча авлодлар мустақилликни орзу қилиб, дардалам, армон билан ўтиб кетди. Даҳшатли ва қудратли империя чангалидан чиқиб, мустақил бўлишимизга ишониш қийин эди. Мустақилликка очиқ интилганлар қамалган, отилган...

1991 йил 31 августда Ислом Каримов барчамиз орзу қилган мустақиллик сўзини баралла айта олди.

Ислом Каримов мард, ҳақиқатпарвар инсон эди. Эсдаликларда келтирилишича, Ислом Каримов Қашқадарёда вилоят партия қўмитасининг биринчи секретари бўлиб ишлаётган пайтда Талимаржон ГЭСи қурилаётган экан. Қурилишга цемент етмай қолибди. Юқоридан вазирлик вакили келиб, цементни халққа ажратилган лимитдан олинг, дебди. Шунда Ислом Каримов машинани шартта тўхтатиб, вазирлик вакилини бир ҳовлига бошлаб кирибдида, уй деворини тирнаб, вакилга кўрсатибди. Бу ерда цемент йўқлигини, одамлар уйини пахса девордан қуришини айтибди. Менга ҳақиқий цемент беринг, дебди. Хижолат тортган вакил цемент ажратадиган бўлибди.

У кишининг серқирра фаолиятидан биргина мисол келтирдим, холос. Ислом Каримов улуғ ва буюк шахс сифатида ҳаммамизнинг хотирамизда қолди. Тарихий шахсларнинг вафотидан кейинги тақдири батамом ҳар хил. Совет давлатининг тарих китобларида буюк аждодимиз Амир Темур кўпроқ босқинчи сифатида тилга олинган. Унинг тарихдаги ўрнини адолатли тиклашга Ислом Каримов масъул бўлди. Айнан Амир Темурга ўхшаган даҳоликка эга бўлган шахсгина унинг шахсини юксакка кўтара олди. Менинг назаримда, Ислом Каримовнинг кейинги тарихий тақдирини давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ўрнига қўйди, Ислом Каримов хотирасини абадийлаштириш бўйича қарорни эълон қилди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Албатта, Биринчи Президентимиз хотирасини ҳаммамиз юрагимизда абадий сақлаймиз.



**Сафар ОСТОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист:**

— Дунё жуда кўп давлат раҳбарларини, президентларни кўрган. Улар орасидан камдан-камларигина ўз халқининг чинакам меҳрига сазовор бўлган, Ватани тақдирида, тарихида буюк ўзгаришлар қила олган. Ислом Каримов юртни қарамликдан қутқарган, мустақилликни мустаҳкамлаб, дунё ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг муносиб ўрин олишини таъминлаган улуғ Президент эди. У доно Президент эди, ғурури баланд, жасоратли, қатъиятли Юртбоши эди. Ўз халқини, Ватанини жонидан яхши кўрадиган Президент эди.

Ислом Каримов республикага раҳбар бўлиб келган даврни бир эслайлик, Ўзбекистонда аҳвол қандай эди? Қисқа қилиб айтганда, ижтимоий-иқтисодий муаммолар қалашиб ётганди. Шўро давлати Ўзбекистонда яна бир оғир жиноятни содир этганди. 1983-1989 йилларда Ўзбекистонда собиқ марказ томонидан ўтказилган қатағон оқибатида хўжаликлар, туман, вилоят, ҳатто республика раҳбарларигача қамоққа ташланган, иқтисодиётимиз, айниқса, қишлоқ хўжалиги тамоман издан чиққан эди.

Ўзбекистонда тартиб ўрнатиш баҳонасида собиқ марказ юртимизга десант ташлаган эди. Собиқ иттифоқнинг турли ўлкаларидан ўз ишхонасига унчалик керак бўлмаган, чаласавод кишилар юртимизга келиб, барча соҳаларда раҳбарлик лавозимларини эгаллаб, ўзларининг адолатсиз сиёсатларини юргиза бошлашди. Минг-минглаб одамлар қамоққа ташланган, сўроққа тортилган, улар ортидан яна минглаб оила аъзолари сарсон-саргардон бўлиб юрган, ишдан, ҳаётдан кўнгли совиган, оғир, мураккаб, саросимали бир даврда Ислом Каримов республикага раҳбар бўлиб келган эди.

Ўзбекистоннинг янги раҳбари ўз фаолиятини халқимизнинг ҳуқуқини, қадрини, шаънини ҳимоя этишдан бошлади. Ислом Каримов топшириғи билан «пахта иши», «ўзбек иши» деган бўҳтонлар билан очилган жиноий ишларни қайта кўриб чиқиш учун комиссия тузилди. Комиссия минглаб ишларни қайта кўриб чиқиб, шундай юридик хулосага келди: Ҳар йили собиқ марказдан туриб пахта планини нореал оширишлар, бажариш мумкин бўлмаган планларни талаб этиб, тазйиқлар ўтказиш оқибатида қўшиб ёзишларга мажбур бўлинган, қамоқда ётганлар бундан манфаат кўрмаган.

Шунинг учун асоссиз қамоқхоналарда ётганлар бирин-кетин оқлана бошланди. Бундан хабар топган СССР бош прокурори, СССР Олий суди раиси Ўзбекистон раҳбариятига пахта иши комиссияси фаолияти дарҳол тўхтатилсин, бўлмаса, чора кўрамиз, сизлар жиноятчиларни оқлаяпсизлар, деган мазмунда пўписали хат йўллади. Комиссия аъзолари саросимага тушиб қолишади. Ҳар хил таклифлар бўлади. Охири хат Ислом Каримовга олиб кирилади. Ҳамма ҳаяжонда. Минглаб одамларнинг тақдири унинг бир оғиз гапига боғлиқ эди. Ислом Каримов хатни хотиржам ўқиб чиққач, устига «Архивга» деб ёзиб, комиссия ўз ишини давом эттиришига кўрсатма беради. Натижада минглаб одамлар оқланиб, оиласи бағрига қайтади. Ҳозиргача бу улуғ жасоратни ҳамюртларимиз миннатдорлик билан хотирлашади.

Биринчи Президентимиз халқимиз ҳуқуқларини ҳимоя этиш, минглаб одамларнинг тақдирини асраб қолиш бўйича қилган тарихий жасоратларидан биргина мисол келтирдик, холос. Унинг халқимиз учун, юртимиз учун қилган ишларини санаб адоғига етиб бўлмайди. Ислом Каримов доно, ғурури баланд, жасоратли, ўз Ватани ва халқидан жонини ҳам аямайдиган Президент эди. Ул улуғ зот ҳаммамизнинг хотирамизда ана шундай Президент бўлиб қолади.



**Мухлиса РАҲМАТОВА,**
**Ислом Каримов номидаги давлат стипендияси соҳиби, Ирригация ва мелиорация институти талабаси:**

— Биз, ҳаммамиз бахтли инсонлармиз. Негаки, уйимизда, оиламизда, юртимизда тинчлик ҳукмрон. Юртимиздаги ҳар бир инсонга шу бахтни инъом қилган Биринчи Президентимиз бўлади, албатта. 2016 йил 21 мартда — Наврўз байрами тантанасида у кишини узоқдан бўлса ҳам кўриб, мамнун бўлиб тургандим. Бизни қўл бериб табриклаганларида эса юзидаги нур, ғайратни кўриб, фахрлангандим. Ўша пайтда менга ҳам қандайдир куч ўтгандай бўлди. Ҳаётда фақат орзу билан эмас, мақсад билан яшаш ҳақида ўйлай бошладим. Биринчи Президентимиз биз, ёшларга қарата айтган ўгитлари ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди.

Ўтган йили ЎзХДПнинг «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови Тошкент шаҳар босқичида совринли ўринни эгалладим. «Тафаккур синовлари» кўрик-танловининг республика босқичида фахрли ўринга муносиб топилдим. Ҳар бир ютуғимиз, эришган марраларимиз мамлакатимизда бизга берилаётган эътибор, ғамхўрлик туфайлидир. Биз бахтли ёшлармиз. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бизга нисбатан билдираётган ишончи кучимизга куч қўшмоқда, янги марраларга руҳлантирмоқда. Бу ишончни оқлашга албатта ҳаракат қиламиз.

Анжуманда, шунингдек, **Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши консультанти Михаил Ельшов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент шаҳар партия кенгаши фаоллари** халқимизнинг чексиз муҳаббатини қозонган Ислом Каримов қалбларимизда абадий қолиши ва келажак авлодлар хотирасида мустақиллик, тинчлик, барқарорлик, фаровонлик ва тараққиёт раҳнамоси сифатида мангу яшашини айтиб ўтишди.

«Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси» номли ҳужжатли фильм намойиши ҳаммани яна бир бор ҳаяжонга солди.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

# Ватаннинг улуғ фарзанди эди

Қарши шаҳрида ЎзХДП вилоят кенгаши, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими, ўрта махсус касб-ҳунар бошқармаси ҳамкорлигида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов хотирасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Бу тадбирга қатнашиш учун Китоб туманидан Қарши шаҳрига эрта тонгда етиб келдим. Одатимга кўра, шаҳар кўчалари, хиёбонларни айландим. Кун анча совуқ бўлса-да, қалбимни ўзгача бир ҳарорат иситиб турганини сезаман. Шаҳар марказида Биринчи Президентимизга ёдгорлик ўрнатиладиган майдон қаршисида анча туриб қоламан — ободончилик ишлари ниҳоясига етган.

Яна юраман ва мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг сайловчилар билан учрашувда айтган сўзларини эслайман: «Меҳнаткаш ва олижаноб Қашқадарё эли ўта таҳликали йилларда Ислом акани худди ўз фарзандидек қабул қилиб, унга тузнасиба бергани, адолат ва озодлик йўлидаги курашда унга камарбаста бўлганини халқимиз ҳеч қачон унутмайди...»

«Ёшлик» саройига етиб келиб, иккинчи қаватга чиқаман, катта мажлисхона кўзларида орзу шуълаланиб турган ёшлар билан лиқ тўла. Эслайман, улуғ зот жуда кўп бора машаққатли йилларда камарбаста бўлган қашқадарёлик қадрдонларини асло унутмаслигини тилга олган эди. Бугун уларнинг бир гуруҳи учрашувга келганди.

Ибратли ишлардан бири — Ёшлар иттифоқи вилоят бўлими қошида «Истеъдод чорлови» клуби ташкил этилган бўлиб, 2003 йилдан буён минглаб ёшлар ижод сирларини ўрганишди. Жами 23 тўпламда 280 нафар ёш шоирнинг шеърларидан намуналар чоп этилди. Мен улар билан суҳбатлашаман. Узоқ Чироқчи туманининг Бўронжуз қишлоғидаги 16-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Жасуржон Абдуллаев Қарши шаҳрига келиб, клуб машғулотларида иштирок этар экан. Маҳаллий газетада Биринчи Президентимиз ҳақидаги мақоласи эълон қилинибди...

Ниҳоят, учрашув бошланди. Аввало ёшлар Биринчи Президентимиз ҳақидаги дил сўзларини айтишди... Кейин:

– Эй ёронлар, қоракўз укалар, сингиллар, болажонларим, мен узоқ Деҳқонободдан шошиб, тошиб етиб келдим, – дея дўмбирасини чертиб, айтишувни бошлайди **ЎзХДПдан туман Кенгаши депутати, муаллим, Ўзбекистон халқ бахшиси Қаҳҳор Раҳимов.** — Меҳнатим қадрланиб, мени Биринчи Президентимиз юксак унвон билан тақдирлаганида бир севинган бўлсам, тоғу тошдан иборат Деҳқонободга темир йўл боргани, обод бўлганидан минг севиниб, «Истиқлол» достонини битдим. Ҳай-ей, Ислом ота Меҳрибонлик уйига борганларида дилбандларини эркалабдилар. Шунда кўзи мунгга тўла бир болани кўриб қолибдилар. Гапга солсалар, болача: «Ота-онам нега йўқлаб келмайди», деб фиғон қилибди. Ислом ота болачани бағрига босибди... Ҳай-ей, бу сўзимни ҳам эшитинг, ёронлар:

**Ўтган кунни эсласам, кўзларимга**
**ёш келар,**
**Ҳатто тоғу тошлару самога ҳам**
**ғам келар,**
**Ўз юртига, ёронлар, хурлик берди,**
**нур берди.**
**Бундайин Юртбоши ер юзига**
**кам келар...**

Кекса шоир ва халқ бахшисининг самимиятга тўла сўзлари ёшлар қалбини ром этди, уларнинг кўз ўнгида улуғ инсоннинг сиймоси, қилган ишлари гавдалана бошлади. Шунда вилоят **«Нуроний» жамғармаси раиси, ЎзХДПдан вилоят Кенгаши депутати Январ Иноятов** сўз олди. Гапнинг сираси, ўша мусибатли кун — улуғ зотнинг дафн маросимида Январ ака айтган дил сўзларида бутун Қашқадарё аҳли қалб изтиробларини ифода этган эди. Бугун Январ ака Ислом Каримов 1986 йилнинг 27 декабрида Қашқадарё вилоятининг биринчи раҳбарлигига келганида, вазият ниҳоятда оғир эканлигини хотирлади. «Мен Шаҳрисабз туманининг биринчи раҳбари эдим. «Пахта иши», деб ноҳақ қамоққа олинганларнинг оилаларида фиғон, одамларнинг қўли ишдан совиган, хўжаликлар қарзга ботган палла эди. Ахир эрки қўлида бўлмаган, эзиб-топталган, камситилган одамлар қандай қилиб далада астойдил меҳнат қилсин? Ислом Абдуғаниевич элнинг оқсоқолларини йиғиб, одамларнинг қаддини тиклаш, ноҳақ қамалганларни оқлаш, одамларга нон топиб бериш масалаларини кенгашгани эсимда. Улуғ, ибратли ишлар, энг аввало, одамларнинг қадрини ва қаддини тиклашдан бошланган, халқимиз улуғ раҳбаримизга чексиз меҳр қўйган эди», деди Январ ака.

— Яна бир воқеа ёдимда, — дейди Январ ака. — Менга вазиятни тушунтириб, иқтисоди ниҳоятда оғир, тоғ-тошдан иборат Деҳқонобод туманига раҳбар бўлиб боришимни айтди. Аҳвол оғир, турмуш оғир. Бир йиғилишда раҳбаримиздан туманимизга ҳам газ қувурлари тортилса, деб илтимос қилганимда, бошқа туманнинг раҳбари: «Бу киши ҳали тоққа паравоз олиб боринг, деб ҳам сўрайди», деганди пичинг қилиб. Бир куни Ислом Абдуғаниевич Деҳқонободга юксак мартабали меҳмонни олиб борди ва тоғларни кўрсатиб шундай деганди: «Қаранг, тошларни инсон қўли териб чиққандай. Вақти келадики, бу тоғлар хазиналарини очади, халқимизга хизмат қилади». Ҳа, тўғри башорат қилган эканлар. Юксак тоғларни кесиб, туманга темир йўл тортиб борилди. Қарийб 400 метр чуқурликдан калийли тошлар қазиб чиқарилиб, қайта ишланяпти, ноёб ўғит заводи маҳсулотлари ўнлаб хорижий давлатга экспорт қилиняпти. Қолоқ туманда саноат барпо этилди. Замонавий техника ва ускуналарни сизлардек ёшлар бошқаришмоқда. Бундай улкан корхоналар, обод шаҳар ва қишлоқлар, ўқув юртларини бунёд қилишда Биринчи Президентимизнинг хизматлари беқиёс.

— Январ аканинг гапларини тинглаб, баъзи воқеалар ёдимга тушди, — дея гап бошлади **партиямиз фаоли, меҳнат фахрийси, биология фанлари номзоди Шодиёр Хўжаназаров**. — Мен ўшанда пахтачилик институти вилоят филиали бошлиғи эдим. Раҳбаримиз вилоят агросаноат бирлашмаси бошлиғининг ўринбосарлигига ўтказдилар, йўқ, дея олмадим. Аммо ерлар шўрланиб, қамиш босиб кетгани, ҳосилдорлик ниҳоятда паст эканлигини билар эдим. 1986 йилнинг ёзида биргалашиб, Яккабоғ туманининг чекка хўжалигига бордик. Дала шийпонида бир аёл 30 нафар чақалоқ ва болага қарар, ҳаммаёқ кир-чир экан. Хўжаликнинг раиси аёл киши экан, келиб қолди. Далада оёқларида этик, йиртиқ калиш кийган аёллар кетмон чопаётганини кўрдик. Бир ёш қизча онаси ўрнига чиққан экан, «Онам сариқ касал бўлиб, ётиб қолдилар», деди ийманиб. Ислом ака шундай изтироб чекдиларки, тил билан айтиб бўлмайди. Шу заҳоти раисга аҳволни ўнглаш юзасидан топшириқ берди. Ҳақиқатни аниқлагач, менга: «Аҳоли зич яшаётган жойлардаги пахта далаларига, умуман, далаларга бутифос заҳарини септирмайсан», деб топшириқ берди. Шундай қилдик. Касалхоналар шароити яхшилана бошланди. Ўша оғир замонда бундай ишларни қилиш осонмиди? Мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз ҳамиша ёшлар камолоти, соғлом ўсишлари, спорт билан шуғулланишлари, ўз касбининг моҳири бўлиши юзасидан тинмай ғамхўрлик қилиб келди.

Яна бир воқеа. Суғориладиган ғаллазорларни кенгайтиришни таклиф қилганларида, пахта сиёсатидан қўрққан айрим туман раҳбарлари бунга қарши чиқишган эди. Бироқ раҳбаримиз ҳақ йўлдан қайтмадилар. Энг кўп суғориладиган ғалла Қашқадарёда эди. Ғалла уруғчилиги илмий-тадқиқот институти у кишининг ташаббуси билан қурилди. Ҳозир институтда фан доктори, фан номзодлари етишиб чиқмоқда, улар яратган янги дон навлари мамлакатимизнинг 400 минг гектардан ортиқ майдонларида экиляпти. Умуман, халқимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақилликка эришди, улуғ ишлар амалга ошди. Бу ислоҳотларнинг илк куртаклари Қашқадарёда очилган эди, деб айта оламиз...

Ёшлар тарихий воқеаларни жон қулоқлари билан тинглашди. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вилоятдаги минтақавий вакили, физика-математика фанлари доктори, профессор Муродулла Нормуродов «Ислом Каримов — буюк давлат ва сиёсат арбоби» мавзусидаги нутқида тарихий мисолларни келтирди. Ёшлар иттифоқи вилоят бўлими кенгаши раиси Шомурод Сатторов Ислом Каримовнинг 80 йиллигини нишонлаш борасида амалга оширилаётган ибратли ишлар ҳақида гапирди.

Қарши педагогика коллежи ўқувчиси Муҳаррам Турсунова шундай деди:

— Биз, ёшлар ҳеч қачон Биринчи Президентимизнинг тинмай ғамхўрлик қилганлари, бизга ишонганларини унутмаймиз. Яхши касбни эгаллаб, юртимизга, халқимизга хизмат қиламиз...

Шодиёр ака ўз сўзини якунлаётиб шундай деди: — Бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев таклифи ва топшириқлари билан Биринчи Президентимиз хотирасини абадийлаштириш бўйича катта ишлар қилинаяпти. Юртимизда тараққиётнинг янги даври бошланди, бу улуғ ишлардан Ислом Каримовнинг руҳи шод бўлади, деб ўйлайман.

Тадбирдан чиқиб, Қашқадарё соҳилида Амир Темур бобомиз қурдирган кўприк ва Биринчи Президентимиз обод қилган сайилгоҳга келдим. Кўприкдан дарё сувларига тикиламан. Инсон умри дарёдек оқади, ўтади, аммо улуғ зотларнинг эл-юрт учун қилган хизмати асло унутилмайди.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси меҳнат фахрийси

**Абдуқодир НИЁЗОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Биз сизлар билан фахрланамиз!

# ХАЛҚИМИЗНИ ҚУВОНТИРГАН, ҒУРУРЛАНТИРГАН ҒАЛАБА!


Равшан Ҳайдаров
бош мураббий


Миразиз Мирзааҳмедов
катта мураббий


Жамшид Умаров
ёрдамчи мураббий


Томилин Вячеслав
дарвазабонлар мураббийи


Жамолиддин Солихов
тасвирчи ва таҳлилчи


Алишер Орипов
шифокор


Марат Кузияхметов
массажчи


Бобир Абдихолиқов
ҳужумчи


Забиҳилло Ўринбоев
терма жамоа сардори

**Хитойда 9-27 январь кунлари 23 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси олтин медални қўлга киритди, Осиё чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлди. Мард ва жасур ўғлонларимизни, қаҳрамонларимизни 28 январь куни тунги соат 23:50 да Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида бутун мамлакатимиздан келган минглаб футбол мухлислари тантанали равишда кутиб олди.**

**Ғолибларни кўришга, бағрига босишга интилган одамларнинг қувончи чексиз эди. «Ўзбекистон» меҳмонхонасида ғолиб спортчиларимиз шарафига бағишланган маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, мухлислар, спортчиларнинг ота-оналари, ОАВ ходимлари иштирок этди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов Президентимизнинг ғолиб спортчиларимизга йўллаган табригини ўқиб эшиттирди. Терма жамоамиз аъзоларига Президентимиз совғаси — «Malibu» автомобиллари топширилди.**


Андрей Сидоров
ҳужумчи


Рустам Ашурматов
ҳимоячи


Одилжон Ҳамробеков
ярим ҳимоячи


Жасурбек Яхшибеков
ярим ҳимоячи


Сиддиқов Жавоҳир
ярим ҳимоячи


Дониёржон Нарзуллаев
ярим ҳимоячи


Достон Ҳамдамов
ярим ҳимоячи

## ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА ФУТБОЛИМИЗНИНГ ЯНГИ ТАРИХИ ЯРАТИЛДИ

— Биз мусобақа финалигача бешта ўйин ўтказдик. Ҳар бир баҳс ўзига яраша қийин кечди, — дейди **Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Равшан Ҳайдаров.** — Айниқса, мусобақанинг гуруҳ босқичидаги мағлубият оғир руҳий зарба бўлди. Бундай вазиятни албатта кучли жамоа енгиб ўтиши мумкин. Биз ҳам бунинг уддасидан чиқдик. Ҳар қандай ўйин, у ғалаба ёки мағлубият бўлса ҳам ўзига яраша сабоқдир. Аммо ортда қолган ўйинларни унутиб, финалда ғалаба қозониш орқали барчани хурсанд қилишни истаган эдик. Жамоа бу учрашувга тайёр эди. Биз фақат ғалаба ҳақида ўйлагандик. Ҳаво ҳарорати совуқ бўлиб, қор ёғиб ўйин драматик руҳда давом этди. Биринчи бўлимдан сўнг стадиондаги қор тозалангунга қадар бир соат танаффус бўлди. Бу вақтда футболчиларни иштиёқи сўнмаслиги учун иш олиб бордик.

Мазкур Осиё чемпионатида йигитларимиз ғолиб бўлиб, футболимизнинг янги тарихини яратишди. Бу йигитлар терма жамоамиз келажаги ҳисобланади. Мусобақадаги ғалабага нафақат ўйинчиларни маҳорати, балки, бир жамоа бўлганлигимиз, ички муҳит, руҳий ҳолат яхшилиги орқали эришдик.

Вьетнам терма жамоаси чемпионатда ажойиб ўйин кўрсатди. Саралаш мусобақаларида кучли жамоаларни енгди. Биз рақибни ўрганиб чиқдик ва финалда шунга монанд ўйнадик. Вьетнамлик футболчиларни ҳурмат қиламиз, уларни ажойиб келажак кутмоқда. Ушбу терма жамоадан кучли футболчилар етишиб чиқади.

Бизнинг жамоадаги футболчиларнинг кўпи Янги Зеландиядаги U-20 жаҳон чемпионатида қатнашган, шунинг учун уларда тажриба бор эди. Биз футболчиларимизни ғолиб бўла олишимизга ишонтира билдик. Мазкур жамоа таркибидаги ўйинчиларнинг 50 фоизи ёшлар. Улар учун бу ютуқ, бу ўйинлар катта тажриба мактаби бўлиб хизмат қилади. Кейинги янада нуфузли ўйинларда улар ўзларини кўрсатишларига ишонаман.

— Финалда ғалаба қозонишнинг ўзи бўлмайди, — дейди **Осиё чемпиони терма жамоамиз сардори Забихилло Ўринбоев**. — Ғалаба йўлини қадам-ба қадам босиб ўтдик. Ноқулай об-ҳаво ҳам бизнинг йўлимизни тўсолмас эди. Биз ҳаммасига тайёр эдик. Чемпион бўлганимиздан сўнг бизни биринчи бўлиб Президентимиз табриклади. Бу эътибордан, бу ишончдан, бу ғамхўрликдан бошимиз осмонга етди. Биз ғалабамизни Президентимизга, халқимизга бағишлаймиз.

— Осиё чемпионатига кетишдан олдин мусобақа кубогини олиб келамиз, деб ваъда берган эдик, — дейди **Осиё чемпиони Жавоҳир Сиддиқов**. — Ушбу ваъдамизни устидан чиққанимиздан жуда ҳам хурсандмиз. Биз чемпионат давомида чиройли ўйинларимиз билан мухлислар қалбидан жой олганимизни қалбан сезиб турдик. Юртдошларимиз бизни қанча қўллаб-қувватлашса, биз ҳам бор кучимиз билан янада яхши натижага эришишга ҳаракат қиламиз.

— Ўйин қийин кечди. Рақибимиз ҳам фақат ғалаба қозонишни истар эди, — дейди **Осиё чемпиони Андрей Сидоров**. — Аммо биз тўпни кўпроқ эгаллаб турдик ва бир қанча голли вазиятлар яратдик. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ғалабага ҳақли эди. Тўғриси, майдонга тушаман, деб ўйламаган эдим. Ўзи шундоқ ҳам ғалаба қозонишимизга ишонардим. Чунки ўйинда биз устунликка эга эдик. Гол урган пайтимдаги ҳолатимни тушунтириб беролмайман. Тўп мен томонга келаётганида шунчаки унга интилдим холос. Тўп дарвоза ичига бориб тушганига ишонмадим. Кейин эса стадион ҳайқириқларга тўлди... Бизни қўллаб-қувватлаган мухлисларга раҳмат айтаман...

Футболчиларимиз ҳам, миллионлаб мухлислар ҳам финал учрашуви пайтида сезди, асосий вақт 1:1 ҳисобидаги дуранг билан тугагач, вьетнамлик футболчилар қўшимча таймларни ҳам шу ҳисобда якунлаб, пенальтилар серияси тўғрисида ўйлаётган эди. Чунки Вьетнам терма жамоаси чорак ва ярим финалда Ироқ ҳамда Қатар терма жамоаларини айнан пенальтилар сериясида мағлубиятга учратган эди. Лекин бизнинг футболчилар Вьетнамнинг ушбу режасини йўққа чиқариб, 119-дақиқада Андрей Сидоровнинг голи эвазига Осиё чемпионлигини қўлга киритди.

Осиё чемпионларини тақдирлаш маросимида терма жамоамиз ярим ҳимоячиси Одилжон Ҳамробеков Осиё футбол конфедерацияси томонидан Осиё чемпионатининг энг яхши футболчиси совринига лойиқ топилди. «Toyota» компанияси томонидан 20 000 АҚШ доллари билан тақдирланди.

◄ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

## ФУТБОЛИМИЗНИ УЙҒОТГАН ЁШЛАР

— Қатар билан ўйиндан кейин футболчиларни бир мақсад йўлида жипслаштира олган мураббийлар штабига раҳмат айтмоқчиман. Футболимизни уйғотган ёшлар терма жамоасини чин дилдан табриклайман, — дейди **Ўзбекистон миллий терма жамоаси сардори Одил Аҳмедов.** — Бу ўйинларни кўриб, энди ишонч билан айта оламан, 2022 йил Қатарда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинларига тайёрмиз. Фақат ёш футболчиларимиздан бир илтимосим бор, бу мусобақа сизлар учун чегара бўлмасин! Ҳали бизни футбол мухлисларини хурсанд қилишимиз керак бўлган кўплаб мусобақалар кутиб турибди.

**Умид Аҳмаджонов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси президенти:**

— Сизларни сафарга кузатган ҳар бир ватандошимиз, уйда интиқ кутаётган ота-онангиз, ака-укаю опа-сингилларингиз энди ғурурланиб юришади. Сизнинг бу муваффақиятингиз ўзбек футболи тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилади. Айниқса, «қор жанги»дек кўринган финал учрашуви тилларда достон бўладики, биз бу ўйинни йиллар давомида эслаб юрамиз ва ҳар бир ёдга олган лаҳзаларимизда ўзимизни бахтиёр ҳис қиламиз...

## ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗГА БУТУН ОСИЁ ТАН БЕРДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 24 январь куни Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин билан телефон орқали мулоқот қилган эди. Мазкур суҳбатда Корея Республикаси Президенти кўп миллатли Ўзбекистон халқини Хитой Халқ Республикасида бўлиб ўтаётган футбол бўйича Осиё чемпионатида футболчиларимиз кўрсатаётган ажойиб ўйин ва жамоамизни мусобақа финалига чиққани билан самимий қутлаган эди.

Бу — футболчиларимиз эришаётган ғалабаларга қизиқиш, эътибор қанчалик юқори эканлигини кўрсатади. Ўзбекистонлик футболчиларнинг финал ўйинида ғалаба қозониб, Осиё чемпиони бўлганига интернетнинг ижтимоий тармоқларида ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

**Hoang Nguyen:**

— Ўзбекистонни табриклайман! Мен Вьетнамданман. Ҳар икки жамоа ҳам жуда ажойиб. Мен ўз жамоам билан фахрланаман, футболчиларимиз афсона яратишди. Умид қиламанки, ҳар икки жамоа ҳам кейинги жаҳон чемпионатида иштирок этади.

**Тожикистон футбол федерацияси:**

— Ўзбекистон халқига Хитойда 23 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионати чемпионлиги муборак бўлсин!

**Қирғизистон футбол федерацияси:**

— Қўшнимиз Ўзбекистонни ёшлар терма жамоасининг ёрқин ғалабаси билан табриклаймиз.

## ОТА-ОНАНГГА, УСТОЗЛАРИНГГА РАҲМАТ

— Жасур Яхшибоевни бувиси бўламан, — дейди **Матлуба Аликулова**. — Неварамни биринчи синфдалигида «Пахтакор» футбол мактабига олиб борганман. 7-синфдан «Пахтакор» футбол академиясида ўқишни бошлади. Шу кунларни кўрганим учун Оллоҳга шукр. Ўйинларни томоша қилиб, болам шу даражага етганига жуда хурсанд бўлдим. Юртини шаънини ҳимоя қилиш учун жонини жабборга бериб ўйнади. Бизнинг болаларнинг илиги бутун, барибир ғалаба қозонади, деб ишониб ўтирган эдим. Фарзандларимизга табрик йўллагани, шундай қимматбаҳо совғалар бергани учун Президентимизга барча ота-оналар номидан миннатдорлик билдираман.

— Ўйинларни катта ҳаяжон билан томоша қилдим, — дейди **Ойбек Рустамовнинг отаси Равшан Эрматов**. — Болаларимиз Осиё чемпионатида ўзларини нақадар кучли эканликларини намоён этиб, ўз ваъдаларининг устидан чиқишди. Уларни ақл-заковатига, юксак қобилиятига, жасоратига бутун Осиё тан берди. Фарзандларимиз жонини фидо қилиб, оғир об-ҳаво шароитида чиройли ўйнаб, бизга шундай улуғ ғалабани тақдим этишгани учун улардан розимиз.

## ХАЛҚИМИЗ УЗОҚ КУТГАН ҒАЛАБА

— Ёшлар терма жамоасидаги «Насаф» футболчиларини кутиб олгани Қашқадарёдан келдик, — дейди **Асрор Қўшматов**. — 30 январь куни «Насаф» ўз майдонида ОЧЛ-2018 гуруҳ босқичига чиқиш учун «Ал-Файсалий»-га қарши ўйнайди. Мамлакатимиз футболчилари учун ғалабалар давомли бўлсин.

— Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманидан келдик, — дейди **Умрзоқ Каримов**. — Осиё чемпионатида футболчиларимиз чемпион бўлгани билан ҳаммани табриклайман. Насиб бўлса, келгуси жаҳон чемпионатидан ҳам терма жамоамизни бугунгидек мақтаниб, ғурурланиб кутиб олайлик.

— Наманган вилояти, Чортоқ туманидаги Алихон қишлоғида яшайман, — дейди **Исроил Нўъмонов**. — Ёш футболчиларимизни қўллаб-қувватлаш учун келдик. Мусобақадаги ўйинларда йигитларимизни ҳар жабҳада кучлилиги, жанговорлиги, жисмонан бақувватлиги, руҳан ўйинларга тайёрлиги менга ёқди. Йигитлар 90 дақиқа футбол ўйнайдиган бўлибди. Насиб бўлса, бу ёшлар жаҳон чемпионатига чиқади.

— Биз чемпионларимизни кутиб олиш учун Самарқанд вилоятидан келдик, — дейди **Бахтиёр Тўхтаев**. — Миллий терма жамоамиз жаҳон чемпионати саралашига чиқа олмаганлиги сабабли анча тушкун кайфиятда эдик. Ёшларимиз Осиё чемпионлигини қўлга киритганидан сўнг футболимизга яна қизиқишимиз, ишончимиз ортди.

— Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицейда ўқитувчиман, — дейди **Икром Қодиров.** — Футболчиларимиз жасорат, матонат кўрсатиб, қорли оғир об-ҳаво бўлишига қарамай халқ учун, Ватан учун ўйнади.

— Футболчиларимиз халқимиз, ишончини оқлади, — дейди **Фазлиддин Ҳожимуродов**. — Буни ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Ғалаба голи киритилганда овозим борича ҳайқирдим. Кўзларимга ёш келди...

Бугун ота-оналар, футболчиларимизнинг биринчи устозларидан бошлаб, барча мураббийларига халқимиз миннатдорлик билдирмоқда. Бу ғалабада миллионлаб футбол мухлислари, айниқса, Хитойдаги стадионда қор совуғини унутиб, уч соатдан кўп вақт тик туриб, футболчиларимизни қўллаб-қувватлаган мухлисларимизнинг ҳам ҳиссаси борлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Футболчиларимизнинг ўзлари айтаётганидек, бу ғалабанинг бош омили мамлакатимизда спортни, хусусан, футболни оммалаштириш, ривожлантириш йўлида қилинаётган кенг кўламли ишлар, яратилаётган шарт-шароитлар туфайли экани барчамизга маълум. Бу ғалабани Олимпия ўйинлари, жаҳон чемпионатлари сари ташланган муҳим қадам, деб ҳисоблаймиз.

**Шаҳбоз САИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**


Аббосжон Отахонов
ҳимоячи


Акром Комилов
ҳимоячи


Исломжон Қобилов
ҳимоячи


Азизжон Ганиев
ҳимоячи


Ҳожиакбар Алижонов
ҳимоячи


Абдужамол Исроилов
ярим ҳимоячи


Ойбек Рустамов
ҳимоячи


Сухроб Нуруллоев
ярим ҳимоячи


Ботирали Эргашев
дарвозабон


Раҳимжон Давронов
дарвозабон


Дилшод Ҳамроев
дарвозабон


Шерзод Ражабов
матбуот котиби


Достон Турсунов
ҳимоячи

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Saidkamol XODJAYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

**Qabulxona** — 233-65-45
**Xatlar va murojaatlar uchun** — 233-12-56
**Reklama va e`lonlar uchun** — 233-38-55, 233-47-80
**E-mail:** info@uzbekistonovozi.uz

**MANZILIMIZ:**
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

A — 138. 13974 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 23:55.
Topshirilgan vaqti — 04:00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
**Alisher RO`ZIYEV**
Sahifalovchi-dasturchilar:
**Zafar BAKIROV**
**Behzod ABDUNAZAROV**

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 3 4 5 6